O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 6 октябрь, № 196 (4095) Жума

**2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили**



*Табиат аёлга она бўлишдек буюк бахт ато этган. Эндигина дунё юзини кўрган чақалоқнинг жарангдор овози борлиқни тутиб кетганда, шодликдан юраги энтиккан бахтиёр онанинг ҳолатини бир тасаввур қилинг-а. Айниқса, биринчи бор она бўлаётган аёлга тиббий ва маънавий муолажа сув билан ҳаводай зарур. Самарқанд шаҳридаги 2-туғруқхонада ана шундай эътиборни ва ғамхўрликни кузатишингиз мумкин.*



## Фарзанд — умр чироғи

— Бу масканда сўнгги йигирма йил мобайнида олтмиш минг нафар чақалоқ дунёга келди, — дейди туғруқхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Алиасқар Сафаров. — Малакали тиббиёт ходимларидан иборат аҳил жамоамизнинг ягона мақсади — ҳар бир она ва бола ҳаётига ўта масъулият билан ёндошишдир. Бу ерда чақалоқларнинг соғлом дунёга келиши учун барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар мавжуд. Туғруқхона нафақат Самарқанд шаҳри, балки қўшни Жиззах, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари аҳолисига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, туғруқхонада ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар билан ишлаш ҳам намунали йўлга қўйилган.

**СУРАТЛАРДА: бу масканда ҳар куни чақалоқлар ўз уйларига ана шундай шоду хуррамлик билан кузатилади; туғруқхонадаги лаборатория бўлими бош лаборанти Расима Бахтиёрова.**

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**



*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси билан кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари ва партия фаоллари "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини (биринчи ўқиш) муҳокама қилдилар.*

## Фракция йиғилиши

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини белгилашга йўналтирилган бўлиб, у 5 та боб, 22 моддадан иборатдир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни, иқтисодий ва молиявий механизмларни яратади. Йиғилишда сўзга чиққанлар мазкур ҳужжатда муайян имтиёзларнинг белгиланиши боис тадбиркорлар ва фермерлар орасида ҳомийлик ҳаракати ва интилиши кенгроқ ёйилишини қайд этдилар.

Шунингдек, қўшма йиғилишда "Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари тўғрисидаги масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИ:**

## ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуининг жорий йил 9 ойидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.*

Ҳисобот даврида соҳа корхоналарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ҳамда устувор давлат дастурларини бажаришга, ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи натижалари бўйича салкам 415 миллиард сўмлик (2005 йилнинг 9 ойидагига нисбатан 138,3 фоиз ўсиш), жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 383,4 миллиард сўмлик, ахборот ва матбуот соҳасида 31,5 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури, инвестиция дастурининг бажарилиши таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбарларнинг ушбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари мажмуи таркибига кирувчи идораларда 2006-2007 йиллар кузги-қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг соҳалар фаолиятига оид қонунлари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг сифатли, тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, идора ва ташкилотлар бошқарувининг барча бўғинлари иш фаолияти самарадорлигини, раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, шунингдек, жорий йил тўртинчи чораги иш режаларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда идоралар томонидан тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини ошириш, давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва экспорт режаларини ошириб бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**/ЎзА/.**

**Қўш хабар**

*Бундан икки йил аввал Наманганда иш бошлаган «Муслим-Текс» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси «Бандлик» дастури ижросида фаол қатнашмоқда.*

### Ишчи ўринлари икки баравар кўпайди

Дастлаб 110 киши меҳнат қилган жамоада ишчилар сони қисқа фурсатда 243 нафарга етди. Уларнинг кўплари ёшлар эканлиги ибратлидир.

Корхонада кўрсаткичлар ҳам шунга яраша. Жорий йилнинг ўтган давридагина 2,3 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 17 миллион дона озиқ-овқат саноати учун зарур бўлган полиэтилен қоплар тайёрланди. Маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинди.

### Пойтахтдан «Нексия» олиб қайтди

*Тоғлар бағрида жойлашган «Косонсой» сиҳатгоҳининг довруғи мамлакатга тарқалган. Кислородга бой соф иқлим, юксак хизмат маданияти дам олувчилар сонининг йилдан-йилга ошишини таъминлаяпти.*

Сиҳатгоҳ юқори кўрсаткичлари учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси ўтказган кўрик-танловда «Йилнинг энг яхши санаторийси» номига сазовор бўлган эди. Яқинда мазкур бошқарманинг «Ҳамшира — 2006» кўрик-танловида ҳам омад косонсойликларга кулиб боқди. Сиҳатгоҳ ҳамшираси Гулнора Қаюмова танлов шартларини тўла бажариб, ғолиблик шоҳсупасига чиқди ва «Нексия» автомашинаси билан мукофотланди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ҚАРШИ ШАҲРИ ЮНЕСКО ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА




*Франция пойтахти Парижда жойлашган БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош қароргоҳида Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда ЮНЕСКО девони ходимлари, хорижий мамлакатларнинг ушбу ташкилот ҳузуридаги доимий вакиллари, Франциянинг турли вазирлик ва идоралари масъул ходимлари иштирок этди.*

Йиғилганлар олдида сўзга чиққан ЮНЕСКО Ижроия кенгаши раиси Х. Зянг кўҳна ўзбек заминида яшаб ўтган олим ва мутафаккирлар дунё илм-фанининг ривожига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади. У, шунингдек, ўтказилаётган кўргазма Ўзбекистонни янада яхшироқ билиш, унинг тарихий ёдгорликлари, бой маданияти билан яқинроқ танишиш имконини беришини қайд этди. "Маъмун Академияси ҳамда Қарши шаҳрининг юбилейлари кенг нишонланаётгани Ўзбекистон ҳукумати илм-фан ва маданият ривожига, ўзбек халқининг тарихий меросини асраб-авайлашга улкан эътибор қаратаётганининг далилидир", деди у.

ЮНЕСКО бош директори ўринбосари А. Сайяд Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи ташкилот диққат марказида турганини таъкидлади. Унинг айтишича, Парижда, ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу қутлуғ саналар билан боғлиқ қатор тадбирлар ўтказилаётгани Маъмун Академияси ҳамда Қарши шаҳри инсоният цивилизацияси тараққиётида ўз нуфузли ўрнига эга эканидан далолат беради.

Шу куни Парижда «Жаҳон фан ва маданияти дурдоналари — Хоразм Маъмун Академиясининг 1000 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги: уларнинг бағрикенгликни қарор топтириш, цивилизациялар, маданиятлар ва динлараро мулоқотни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда ўзбекистонлик ҳамда франциялик таниқли тарихчилар, археологлар, ЮНЕСКО экспертлари, Франция илмий доиралари ва Парижда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Конференцияни ЮНЕСКОнинг маданий сиёсат ва маданиятлараро мулоқот департаменти директори К. Стену очди. Учрашув қатнашчилари Маъмун Академияси ва Қарши шаҳри юбилейларининг ЮНЕСКО тантаналари рўйхатига киритилиши ушбу тарихий-маданий ва илмий марказларнинг юксак аҳамиятидан далолат беришини қайд этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар XI асрда Хоразмда ташкил этилган Маъмун Академиясидан етишиб чиққан кўплаб атоқли олим ва мутафаккирлар жаҳон фани ривожига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади. Хоразмдаги илмий-маданий муҳит Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, ал-Хоразмий, Замахшарий, Кубро каби оламга машҳур алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятида катта аҳамият касб этган.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан тикланган Маъмун Академияси нафақат республика Фанлар Академиясининг минтақавий бўлинмаси, балки жаҳон аҳамиятига молик бўлган ўзига хос ноёб тадқиқот маркази бўлиб қолишига ишонч билдиришди.

Франциялик олимлар, шунингдек, Маъмун Академиясига оид мавзулар ушбу мамлакат лицейлари ўқув дастурига киритилганини маълум қилишди. Демакки, Франциядаги мактаб ўқувчилари ҳам бу илм маскани тўғрисида болаликданоқ маълумот олишади.

**Ғайрат ШУКУРОВ.**
**«Жаҳон» АА.**
Париж.

## Кўркам мактаблар, мукаммал машғулотлар

Янги ўқув йилини кўтаринки руҳда бошлаган, ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрамларини муносиб кутиб олаётган бундай жамоалар вилоятда талайгина. Жиззах шаҳридаги Шукур Саъдулла номидаги 11-мактабни капитал қайта қурган «Анфа» фирмаси қисқа фурсатда 700 миллион сўмликдан зиёд иш бажаришга муваффақ бўлди. Энг қувончлиси, 1090 ўқувчи ўринли мактабда 12x24 ҳажмдаги замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди.

— Мактабимиз бутунлай қайтадан чирой очди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган синф хоналарида таълим олаётган қишлоқ ёшларига ҳавас қиласан, киши, — дейди халқ таълими фахрийси Муҳаббат Абдуғаниева. — Бу ердаги спорт мажмуи, кутубхона ўқувчиларнинг севимли жойига айланган.

Гап Жиззах туманидаги Карим Фозилов номли 12-мактаб ҳақида бораяпти. Мактаб директори Абдували Абдумансуровнинг таъкидлашича, қурувчиларнинг бу туҳфаси жамоа аъзоларини шижоат билан ишлашга даъват этмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тасдиқланган манзилли дастурга кўра вилоят бўйича 30 минг нафарга яқин ўқувчи капитал таъмирланган, капитал реконструкция қилинган мактабларга қатнай бошладилар. Янги барпо этилган мактабларда эса 1737 ўқувчи ўрни яратилди. Бугунга қадар вилоятдаги 79 та мактабни таъмирлаш, қайта қуриш учун 13 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилгани эътиборга молик.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Эътибор қилинг**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қонун ижодкорлигидан ташқари амалдаги қонунлар ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти билан ҳам шуғулланишади. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташкил этган ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида қандай бажарилаётганлигини ўрганиб чиқди. Депутат Зуҳра Ботированинг

**«КАСАЛНИ ЯШИРМАНГ**
***иситмаси ошкор қилади»***

мақоласи ана шу мавзуда.

2-бетга қаранг

## НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА



**ТИНЧЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ**
*Замондошларимиз фикри*

**ҲАВАСДАН ТУҒИЛГАН САНЪАТ**
*Ижодий муҳит яратаётганлар*



**Гурунг**
*Ўқинг, завқланинг, дам олинг*



**Шу йилнинг 31 декабрь куни БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг ваколати тугайди. 2 октябрь куни бош котиблик учун ўтказилган рейтинг овоз беришнинг тўртинчи раундига кўра Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири лавозимида ишлаб келаётган Пан Ги Мун ғолибликни қўлга киритди. БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги 15 та давлатнинг 14 таси Жанубий Корея вакилини қўллаб-қувватлади.**

# Муросалар устаси БМТ Бош котиби бўлмоқда

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлмиш бешта давлатнинг ҳаммаси унинг номзодини ёқлаб овоз берди. 9 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясида расмий овоз бериш ўтказилади. 40 йилдан бери дипломатик соҳада ишлаб келаётган Пан Ги Мун, албатта, БМТнинг янги Бош котиби этиб сайланиши таъкидланмоқда.

«Муросалар устаси» номини олган Пан Ги Мун 1944 йилда туғилган. Сеул университетини 1970 йилда битириб халқаро алоқалар соҳасида бакалавр унвонини олди. 1985 йилда Гарвард университети қошидаги Жон Кеннеди номли давлат бошқаруви мактабини тугатди. Жанубий Кореянинг «Буюк хизматлари учун» унвони билан икки марта — 1975 ва 1986 йилларда тақдирланган.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Мун Хаёнг ўз мамлакати вакили бўлмиш Пан Ги Муннинг номзодини қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон ҳукумати ва халқига миннатдорчилик билдирар экан, «Ўзбекистон аввалбошданоқ Жанубий Корея вакилини қўллаб-қувватлаб келди, шу сабабли ҳам нафақат жаноб Пан Ги Мун, балки Корея Республикасининг барча аҳолиси Ўзбекистон ҳукуматига ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради», деди.

«Ўзбекистон нафақат ўзи, балки мусулмон дунёси, Марказий Осиё давлатлари ҳам Пан Ги Муннинг номзодини қўллаб-қувватлаши учун саъй-ҳаракат қилди. Бу борада мамлакатингизнинг хизматлари катта бўлди. Бунинг учун алоҳида миннатдорчилигимизни билдирамиз. Энди давлатимизнинг минтақа мамлакатлари билан алоқалари янада мустаҳкамланишига ва янада ривожланишига ишончимиз комил», деди Мун Хаёнг жаноблари ўз сўзида.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# Божхона тўлови оширилди

Европа Иттифоқи Хитой ва Вьетнамдан экспорт қилинаётган пойабзал маҳсулотларига нисбатан божхона тўловларини бир неча фоизга оширди, деб хабар беради «Bioombend» агентлиги. Бундай йўл тутишдан кўзланган мақсад Иттифоққа аъзо мамлакатлардаги ишлаб чиқарувчи корхоналарни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қуватлашдан иборат.

Маълумотларга қараганда, биргина 2005 йилнинг ўзида Хитой Европа мамлакатлари бозорида 2,5 миллиард жуфт пойабзал сотишга муваффақ бўлган. Таҳлилчилар фикрича, жорий йилда ушбу кўрсаткич янада ўсиши кутилаётганди.

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар



# Паспортни қалбакилаштириб кўринг-чи

Буюк Британия фуқароларига паспорт билан бирга унинг биометрик маълумотлари ҳам қўшиб берила бошлади. ААР агентлиги хабарига қараганда, ҳужжатнинг бу янги тури унинг эгаси сурати ва махсус жиҳозланган электрон чипдан иборат.

Британия ички ишлар вазирлиги хабарида айтилишича, ўтган пайшанбадан бошлаб қиролликда бериладиган паспортларнинг барчасига электрон чип қўшиб берилмоқда.

— Бу Бирлашган қироллик тарихидаги энг ишончли ҳужжат бўлиб қолади, — дейди Буюк Британия паспорт хизмати раҳбари Бернард Хердан.— Шунингдек, мамлакат паспортини қалбакилаштиришнинг олди олинади.

# Москва даъвогар




Москва футбол оламининг энг нуфузли мусобақаларидан саналган Европа чемпионлар лигаси финалига мезбонлик қилиши мумкин. Европа футбол ассоциацияси ижроия қўмитаси 2007-2008 йиллардаги чемпионлар лигаси финалини ўзида қабул қилиш учун даъвогар шаҳарлар қаторига Москвани ҳам киритди, деб хабар беради РИА Новости агентлиги.

Россия 2006 йилнинг мартида Европа чемпионлар лигасининг финалини ўзида ўтказишни сўраб УЕФАга мурожаат қилганди. Бундан ташқари, мусобақани ўтказиш учун Севилья, Рим, Берлин ва Лондон шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилишмоқда.

**AGROTECH**

**«CASE CE»** КОМПАНИЯСИНИНГ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.




«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- **«CASE CE»** компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- **«CASE CE»** компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@globalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛ ШЕРИК

3246Р/1694

**«DQS QUALITY SYSTEMS»** компанияси сертификация бўйича немис **DQS GmbH** органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

**DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:**
**DIN** — стандартлаштириш бўйича немис институти;
**DGQ** — сифат бўйича немис жамияти.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

**Компания мижозлари:**
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Мубораакнефтегаз», «Hobas ТАРО» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

3137Н/1661

*Жорий йил бошида вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида мамлакатимиз солиқ сиёсати моҳиятини, Республикамиз Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарор ва фармойишлари ижросини кенг оммага етказишга кўмаклашувчи ижодий гуруҳлар ташкил этилганди.*

# Солиқ тизими ва ОАВ ҳамкорлиги

Табиийки, бу масъулиятли вазифани оммавий ахборот воситалари ёрдамисиз бекаму кўст бажариб бўлмайди.

Яқинда бошқармада бўлиб ўтган семинар-тренинг солиқ тизими ҳаётини, фаолиятини маҳаллий ва республика оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланди. Тадбирда ижодий гуруҳлар ишини таҳлил этиш мақсадида уюштирилган мониторинг натижалари муҳокама этилди. Ҳар икки соҳа ходимлари ҳамкорлигида уюштирилган тадбирлар, тайёрланган мақолалар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қизиқарли ва оммабоплиги билан ажралиб тургани таъкидланди.

Лекин афсуски, бундай чиқишлар ҳали кам. Бунинг устига маҳаллий матбуотда ёритилаётган мақолалар расмий маълумот тусига эга бўлиб қолмоқда. Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл каби туманлар солиқ идораларида матбуот билан ҳамкорлик яхши эмас. Оқибатда таҳлилий ва ошкора танқид руҳидаги материаллар йўқ ҳисоби.

Семинар-тренингда солиқ тизими ҳаётини ОАВда малакали ёритишга кўмаклашувчи ижодий гуруҳлар фаолиятини янада яхшилаш, 2007 йилга таклиф этилаётган солиқ концепцияси моҳиятини солиқ тўловчиларга етказишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди, тавсиялар берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ТУРОНБАНК»и

Ўзбекистон халқини Ийд Рамазон ойи билан муборакбод этади. Ийд Рамазон барчангизнинг хонадонингизга шоду хуррамлик, қут-барака келтирсин!

TURON BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ТУРОНБАНК»и
ўзининг «ШОДИЁНА»
омонатини тақдим этади!

*Омонатга пул маблағлари камида 50 000 сўм миқдорида йиллик 24 фоиз билан 5 ой муддатга қабул қилинади.*
*Фоиз даромадлари ойма-ой тўлаб борилади.*
*Омонатлар «Туронбанк»нинг Тошкент шаҳар ва барча вилоятлардаги жамғарма кассалари орқали жорий йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.*

Сизнинг омонатингиз кафолатланган!

«ТУРОНБАНК» СИЗ БИЛАН ВА СИЗ УЧУН!

Мурожаат учун телефонлар: 144-32-52, 144-01-95.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки

NBU

МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Мижозлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда нақд пул бериш масаласи бўйича банк хизматларини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 5 августда чиқарган ПҚ-147 сонли "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида нақд маблағлар бериш ва чакана банк операцияларини бажариш масалалари юзасидан "ишонч телефонлари" ишлаб турибди.

Банк хизматларидан қониқмаган, шикоят ва аризалари бор барча мижозлардан Ўзмиллийбанкнинг нақд пул маблағлари берилишини мониторинг қилиш бошқармасига **135-42-83** рақамли, шунингдек, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз:

| | | |
|---|---|---|
| **Бош офис** | (99871) | 134-12-84, 134-42-99, 138-56-54, 134-10-91 |
| **Вилоят бўлимлари** | | |
| Андижон бўлими | (37422) | 224-38-40, 224-68-97, 224-09-81 |
| Бухоро бўлими | (36522) | 223-69-57 |
| Жиззах бўлими | (37222) | 222-38-27, 222-38-26 |
| Қашқадарё бўлими | (37522) | 221-01-08, 221-15-22 |
| Навоий бўлими | (43622) | 227-83-61, 227-85-10, 227-83-93 |
| Наманган бўлими | (36922) | 226-64-53 |
| Нукус бўлими | (361) | 222-47-58 |
| Самарқанд бўлими | (3662) | 33-57-50, 33-55-95, 33-14-61 |
| Сирдарё бўлими | (3672) | 25-20-88 |
| Термиз бўлими | (37622) | 22-83-10, 22-84-21 |
| Урганч бўлими | (36222) | 226-26-44, 780-31-51, 226-45-44 |
| Фарғона бўлими | (373) | 224-43-56, 224-85-27, 224-71-13 |
| Тошкент вилояти бўлими | (371) | 152-77-18 |
| **Тошкент шаҳар бош амалиёт бўлими** | | 133-32-09, 133-35-65 |

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

## Миллий қадриятларимиз

— Тўйга тайёргарликдан кўнглим тўқ, — дея сўз бошлади фарзандлари Маъмуржон ва Шуҳратни ёнига чорлаган Мухтор ҳожи. — Лекин тўй сизлар ўйлагандек, фақат наҳорги ошу кечки зиёфат билан ўлчанмайди. Билсанглар, улардан ҳам муҳимроқ, ўзида ўзбекона урф-одатларимизни қамраб оладиган тадбир бўлиши керак.

# Эл дилидан жой олган кураш

Икки ўғил ҳам савол назари билан отага қарашди.

— Кейинги йилларда Президентимизнинг спортни ривожлантириш борасида қанчалик жон куйдираётганидан хабарим бор. Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек кураши жаҳонга машҳур бўлди. Қанчадан-қанча полвонларимиз ўзбекнинг донғини дунёга таратиб улгурди.

Демак, тўйда кураш бўлсин. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухорою Тошкент, бутун Ўзбекистонимиз полвонларини чорлайлик. Тўй учун тўплаган маблағимизни миллий урф-одатимизга ярашмайдиган ичкиликбозликка эмас, полвонларимизга сарфлайлик.

Оқил фарзандлар ота фикрига қўшилишди, қўллаб-қувватлашди. Маҳалладаги, шаҳардаги ўзбек кураши жонкуярларини таклиф қилишди, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутишди.

Кўпчиликдан кўп фикр чиқиб, Мухтор ҳожининг набиралари Акбарали ва Асқаралининг суннат тўйлари республика миқёсидаги катта спорт тадбирига айланиб кетди.

Самарқанд шаҳрининг Сартепа даҳасидаги каттагина стадион спорт ихлосмандлари билан тўлиб тошди.

Даврага полвонларни чорлаган Рустам баковул Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Жиззах,



Тошкентдан курашчилар келганини, улар орасида Чирчиқ, Тайлоқ, Самарқанд Олимпия захиралари спорт коллежлари ҳамда Самарқанд кураш мактабининг спортчилари ҳам борлигини эълон қилди.

Полвонлар бир-бир бел олиша бошлади. Кураш айни авжига чиққан маҳал баковул энг юқори соврин — биринчи товоққа битта ҳўкиз, битта қўй ва 100 минг сўм пул қўйилганини эълон қилди.

Бу соврин учун самарқандлик Икром полвон ва сурхондарёлик Ўткир полвон гиламга чиқишди. Улар ўртасидаги кураш муросасиз ўтди. Ниҳоят миллий кураш бўйича жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Икром полвон рақибидан устун келиб бош соврин эгаси бўлди.

Шу куни 120 дан ортиқ полвон ўзбек курашининг афзаллик томонларини, унинг оммавийлашиб бораётганлигини намойиш этди. Майдонда «чала», «ёнбош» «дакки», «ҳалол» сўзлари янгради...

— Халқимиз курашли тўйларни соғиниб қолган экан, — деди Самарқанд кураш мактаби директори Равшан полвон Ғуломов. — Самарқандлик Хуршид полвон ва сурхондарёлик Зокир полвон, тошкентлик Олим полвон ва бухоролик Наби полвонлар ўртасидаги олишувларни ҳаяжонсиз кузата олмадим. Москвада ўтказилган Бутунжаҳон ёшлари ўйинлари ғолиби, қашқадарёлик Дилмурод Мавлонов, самбо бўйича жаҳон кубоги ғолиби, тайлоқлик Акром Эшовлар ҳаракатларини олқишламай бўлармиди? Хуллас, бундай тадбирлар фақат яхшиликка, ўзбек курашининг юксалишига хизмат қилади.

Мухтор ҳожи Толибов Самарқанднинг оддий тадбиркорларидан бири. У кўп йиллар пайвандчи бўлиб ишлаган. Бугун эса мулкдор. Шаҳар ташқарисида экинзори, шаҳарда овқатланиш корхонаси, ғишт қуйиш цехи бор. Чорва моллари ва иссиқхонаси ҳам мавжуд. Ўзи эса спорт ишқибози. Айниқса, ўзбек курашини хуш кўради.

— Набираларимнинг тўйидан кўнглим тўлди, — дейди у. — Полвонларнинг тўйда, кўз ўнгингда беллашиши бошқача-да. Қанийди, тўйларимизда миллий удумларимиз сезилиб турса, улар курашлару кўпкариларга бой бўлса...

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Рустам ҲАЙИТОВ олган сурат.

# Твердан медаллар билан

Россия Федерациясининг Тверь шаҳри кураш бўйича 1991-1993 йилларда туғилган ёшлар ўртасидаги I жаҳон чемпионатига мезбонлик қилди.

Икки кун давом этган мусобақада дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакати ёш полвонлари гиламга чиқдилар. Беллашувда кураш ватани вакиллари бўш келишмади. Юртдошларимиздан Зафар Фармонов, Азизжон Тошпўлатов, Отабек Мақсудов, Муҳиддин Очилов, Рустам Элов ва Суҳроб Остонаевлар ўз вазн тоифаларида жаҳон чемпионатининг олтин медалларини қўлга киритдилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Ўзбекистон, иккинчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Эстония мамлакати ёш полвонларига насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**


## «APARTAK» ОАЖ

**барча харидорларга хабар қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2006 йил 28 сентябрда тасдиқлаган 19-03-22-05-O`zR 41 2006-сонли реестрга кўра «APARTAK» ОАЖ маҳсулотига қуйидаги чекланган шартномавий нархлар ўрнатилган:**

| Маҳсулот номи | Ўрта ҳисобланган меъёри, % | | Ўлчов бирлиги | ҚҚС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда |
|---|---|---|---|---|
| | Куллик | Намлик | | |
| 2 БПК 50-300 (200) | | | | |
| Бюджет ташкилотлари учун | 14,4 | 35,8 | тонна | 7443 |
| Биржа орқали | 14,4 | 35,8 | тонна | 13399 |
| Аҳоли учун* | 14,4 | 35,8 | тонна | 13399 |
| 2БОМСШ 0-50 | 23,8 | 35 | тонна | 21315 |
| 2БОМСШ-Б-1 0-50 | 32,5 | 35 | тонна | 16679 |
| 2БОМСШ-Б-2 0-50 | 46,7 | 35 | тонна | 9112 |
| 2 БР 0-300 (200) | | | | |
| Бюджет ташкилотлари учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 13516 |
| Саноат корхоналари учун | 21,8 | 35,5 | тонна | 21998 |
| 2БР-Б-1 0-300 (200) | 32,5 | 35,5 | тонна | 16114 |
| 2БР-Б-2 0-300 (200) | 46,7 | 35,5 | тонна | 8304 |

**Изоҳ:** маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида ГОСТ 8298-89, ГОСТ 8302-87, $T_{sh}$ 12-18:2001, ГОСТ 8297-87 га мувофиқ ўрнатилган.

Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари № 03-01-1988 прейскуранти бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайишга ёки камайишга белгиланган нархдан 2,5%, намлик бўйича 2,0% миқдорида.

3369Р/1848



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**



**Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган**

**турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.**

**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**
**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

2693Р/982



**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили**

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**



**Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,**

**замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
**- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
**- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).**

*Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.*

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

3249Р/1685


*Куни кеча "Ўзбекистон-Ҳиндистон" дўстлик жамияти ташаббуси билан Ҳиндистон бош вазири марҳум Лаъл Баҳодур Шастри таваллуд кунига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди.*

## Шастрини хотирлаб...

Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Сканд Р.Тайал ва пойтахтимиздаги ҳинд миллати вакиллари Шастри ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Йиғилганлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқалари ва буюк давлат арбоби ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда таниқли адиблар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.

**Ш. БОЙМУРОДОВА.**


## ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**



**ГАЗ-31105, «ВОЛГА»**



**ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли**



**ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли**



**ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли**



**ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи**

**ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА**



**ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли**



**ГАЗ-3307 Автоэвакуатор**



**ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли**

**700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz**

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**


«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газета Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроевга акаси **Фарҳод ҲАМРОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги транспорт бўлим бошлиғи Абдужаббор Умаровга онаси **Мухтабархон УМАРОВАнинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Attorlik» ОАЖ РИУБК жамоаси жамиятнинг собиқ раҳбари **Нўъмон ҲАКИМЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси «Атторлик» очиқ акциядорлик жамиятининг собиқ раҳбари, фахрий **Нўъмон ҲАКИМЖОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5